"Адабиётнинг виждони", "сўз заргари" деган номлар олган улуг адиб Абдулла Каххор совет даврида яшаб, совет мактаби, университети таълимини олиб ижодкор бўлиб етишди.

Сир эмас, у ўз сафдошлари каби хукмрон мафкура, коммунистик сиёсат таъсири ва тазйики остида ижод килишга мажбур бўлган. Хатто айрим асарларини дахриёна рухда ёзган. Биз адибнинг охирги холатларини хисобга олиб, Яратгандан унинг хаккига магфират сўраймиз.
Шахсан ўзим бу аломат зот назарига тушиб, саккиз йил давомида унинг шахардаги уйи, Дўрмондаги бог ховлисида дўстлар даврасида сухбатларини олиш шарафига муяссар бўлганман, кўпдан-кўп фазилатлари катори, илк устози Мухаммаджон кори ибораси билан айтганда, "бир мусулмоннинг фарзанди" сифатида бу улуг зот калбининг туб-тубида исломий эътикод яширин яшаганига икрор бўлганман.

Адибнинг совет хукуматининг атеистик сиёсати хусусида истехзо билан айтган гапларини кўп эшитганман. Бир галги учрашувимиз хайит кунига тўгри келиб колди.
— Тонг чоги машинада Дўрмон атрофи кишлокларни айланиб чикдим, — дея сўз бошлади у. — Хар йилгидек, барча мачитлар эшиги олдида район активлари, милиционерлар саф тортиб туришибди. Кўлтигига жойнамоз кистирган одамлар кўчаларда тўда-тўда бўлиб, ини бузилган чумолилардек сарсон-саргардон кезиб юришибди. Биламан, улар барибир дала шийпонигами ёки деворларига атеистик шиорлар ёпиштириб ташланган клубгами кириб албатта хайит намозини ўкишади. Хукуматнинг ишига хайрон коласан киши, бу килмиши билан неча минглаб одамлар кўнглида ўзига нафрат уйготади. Одамлар ярим соат мачитда тўпланиб тинчгина намозини ўкиб олса, осмон узилиб ерга тушмайди-ку, ахир!

У ёгини суриштирсангиз, Абдулла Каххор совет даврида Абдулла Кодирийнинг "Обид кетмон"идан кейин диндорларнинг бетакрор, ёкимтой образини яратган. Лутф, хазил-мутойиба, енгил киноялар билан йўгрилган "Синчалак"даги такводор, бир оз мутаассиб, аммо нихоятда халол, ишбилармон, тадбиркор Хамидулланинг юмористик тимсоли ўша давр адабиётида мухим ходиса бўлган эди.

Ёзувчи ижодининг якуни ва чўккиси саналмиш "Ўтмишдан эртаклар"нинг энг нурли сахифалари устозига багишланган "Мухаммаджон кори" бобидир. Бўлгуси адиб болалигида бу очик фикрли одам кўлида янгича — жадид усулида савод чикаради, Куръони каримнинг охирги икки порасини ёд олади, жадид маърифатчилари

дарсликларидан сабок  чикаради. Бир умрга бу илк устозига эхтиромини саклаб колади. Умрининг  сўнгги дакикаларида мана шу табаррук зот билан хаёлан мулокотда бўлади.
 Абдулла Каххорнинг сўнгги кунлари, Москва касалхонасидаги видолашув  дакикилари адибнинг умр йўлдоши Кибриё опанинг "Чорак аср хамнафас"  китобида, Шухратнинг "Устознинг сўнгги кунлари" хотира-маколасида анча  батафсил хикоя килинган. Жумладан, Шухрат ўша маколасида касалхонада  устоз билан мулокотлари тафсилотларини каламга олар экан, улардан мана  бундай хулосага келади:

"У хаётда кандай мардонавор яшаган, ижод этган бўлса,  ана шундай матонат билан сўнгги нафасигача хаёт кечирди. Унинг ўлимини  эсласам: "Хаёт билан видолашишнинг ўзи бир санъат экан. Бунга хам  матонат ва ирода керак экан", деган хаёлга бораман".
 Шухрат ака Абдулла ака билан ўша учрашувдаги хамма гапни ёзади-ю,  лекин энг асосий нукга — факат унинг кулогигагина айтган васияти хакида  хеч нарса демайди. Бу хакда кейинрок.

Энди Кибриё опадан эшитайлик. Ажал якинлашаётганини  сезган адиб Кибриё опадан Тошкентдан шоир Шухратни чакиртириб келишни  илтимос килади. "Хар холда сочига ок тушган, удумларимизни,  мусулмончиликни яхши билади, ота-онасини кўмган бу одамга айтадиган  зарур гапларим бор", деб туриб олади. Кибриё опа негадир, ўзи айтмокчи, умрида биринчи маротаба Абдулла Каххорнинг бу хохишини бажо келтирмайди.  Сўнг адиб Ўзбекистоннинг Москвадаги вакили Косим Рахимовни хузурига  чакириб, "Зудлик билан менга Тошкентдан шоир Шухратни чакиртириб беринг.  Мен айтадиган гапларимни айтиб, хотиржам бўлишим керак", дея илтижо  килади. Вакил бу илтимосни бажо келтиради. Давоми опанинг ёзувларида:
 "24 май куни эрталаб касалхонага кадрдон дўстлари Константин Симонов  келди--- Константин Симонов кетганидан кейин кўп фурсат ўтмай, шоир  Шухрат етиб келди. Абдулла Каххор ўша куниёк айтадиган гапларини айтиб,  васиятларини килдилар ва худди елкаларидан тог агдарилгандек, бирдан  хотиржам бўлиб колдилар".
 Хўш, бу васият нимадан иборат эди? Кибриё опа хам бу хусусда лом-лим  демайди. Кибриё опанинг шу сўзлари битилган китоби хам, Шухратнинг  хотира маколаси хам кирган "Абдулла Каххор замондошлари хотирасида"  тўплами совет даврида — 1987 йили чиккан. У кезлари Абдулла Каххор  васиятини ошкор килиш имкони йўк эди. Хатто адиб васиятини Кибриё опадан  хам кизганиб, у хонадан ташкарига чикканида айтган. Мен уни Шухрат  аканинг ўз огзидан такрор-такрор эштганман. Мана, Абдулла Каххорнинг  кулогимда колган ўша сўзлари:
 "Пайгамбар ёшини яшадим... Такдирга тан бераман-да... Сиздан ўтиниб  сўрайман, жоним чикканидан то кабрга киргунимча бошимда турсангиз.  Тобутимни Тошкенга олиб боргач, албатта яшикка солиб, «томошага»  кўясизлар. Улардан олдин ювиб-тараб, кафанликка ўранглар. Хунугим чикиб  ётмасин... Тезликда Кўкон якинида Оккўргонда турадиган устозим  Мухаммаджон корини чакиртириб келинг. Жанозада имомликка ўша киши ўтсин.  Кабристонга борганда яшикдан олиб, кийимларимни ечиб, кафан билан лахадга кўйинглар. Елкам, танам Тошкентимиз тупрогига тегиб ётсин..."

Мен бу васиятни хотирам куввати даражасида эслаб когозга туширдим. Янглишлар бўлса, Аллохдан кечирим сўрайман. Кани эди, бу васиятни Шухрат аканинг ўзлари ёзиб колдирганларида, бор хакикат янада равшанрок бўларди. Афсус, 1987 йиллар шароитида бу ишни килиш асло мумкин эмас эди.

Шухрат ака устоз васиятини тўла-тўкис адо этишга эришди.

Мархумнинг тобути Тошкентга, ўз хонадонига келтирилгач, хукумат вакиллари видолашувга келади. Бош рахбар Кибриё опага хукумат номидан таъзия изхор килиб, ундан: "Абдулла ака бизга кандок топширик бердилар?" деб сўрайди. Кибриё опа ўз дардини айтади, сўнг Шухрат ака адибнинг васиятини баён килади. Бош рахбар унинг сўзларини эътибор билан тинглайди-ю, вазият такозоси бўлса керак, хеч нарса демайди. Шухрат ака бу сукутни розилик аломати деб тушуниб, енг шимариб ишга киришади.

Кабристондаги дафн маросимига кутилмаганда хукумат рахбарлари хам етиб келади. Одатдагидек, митинг бўлади, видолашув нутклари айтилади, энг хаяжонли дил сўзларини Шухрат ака айтади. Рахбарият кабр бошида турганига карамай, кафанланган майит яшик тобутдан олиниб лахадга кўйилади, кабрга тупрок тортилиши билан Мухаммаджон кори тиловат килади. Куръон оятлари кабристон узра таралади.

Шу вокеаларга, мана, бир кам кирк йил бўляпти. Ўша дакикаларда адибнинг устози овозида янграган Куръони карим оятлари садоси хамон кулогим остида жаранглаб тургандек. Мана шу оятлар устоз рухига киёматга кадар хамрох бўлиб боришини Яратгандан сўраб коламан.

**Умарали НОРМАТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**